

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020 Tar.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РИЗАЕВ БАХТИЁР НАЗАРБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА 1950-1970 ЙИЛЛАРИ ЯНГИ ЕРЛАРНИ**  
**ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ**  
**(БУХОРО ОБЛАСТИ МИСОЛИДА)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Ризаев Бахтиёр Назарбоевич**

Ўзбекистонда 1950-1970 йиллари янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш сиёсати (Бухоро области мисолида) ..... 5

**Ризаев Бахтиёр Назарбоевич**

Политика переселения в процессе освоения новых земель в Узбекистане в 1950-1970 гг. (На примере Бухарское области) ..... 25

**Rizayev Bakhtiyor Nazarboyevich**

Policy of population resettlement in Uzbekistan in the process of new land reclamation in 1950-1970 (In the example of Bukhara region) ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 53

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020 Tar.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РИЗАЕВ БАХТИЁР НАЗАРБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА 1950-1970 ЙИЛЛАРИ ЯНГИ ЕРЛАРНИ**  
**ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ**  
**(БУХОРО ОБЛАСТИ МИСОЛИДА)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
№В.2018.3.PhD/Tar331 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳайтов Шадмон Аҳмадович**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ғоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Мўминова Гавҳар Эсановна**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020Tar.72.07 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» «\_\_» соат\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй). (Тел.: (99865)221-29-14, факс: (99865)2212707, e-mail: [busu\\_rector@edu.uz](mailto:busu_rector@edu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй). (Тел.: (99865) 221-29-14, факс: (99865) 221-27-07).

Диссертация автореферати 2021 «\_\_» \_\_ кунида тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_даги \_\_рақамли реестр баённомаси)

**Иноятов С.И.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, тарих фанлари  
доктори, профессор

**Жамолова Д.М.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, тарих фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Ғойибов Б.С.**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар  
раиси, тарих фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирда жаҳон ҳамжамияти глобал миграцион жараёнларни бошдан кечирмоқда. Дунё мамлакатлари аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллар таъсирида ички ва ташқи миграцион жараёнларда иштирок этиши қадимдан мавжуд бўлиб, бугунги кунда ҳам давом этмоқда. XX аср ўрталарида мустамлакачи давлатлар қишлоқ хўжалиги ва оғир саноатни ривожлантириш мақсадида ўзлари эгалик қилаётган давлатларда аҳолини мажбурий равишда кўчириш сиёсатини амалга оширдилар. Бугунги кунда ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар таъсири остида дунё мамлакатлари аҳолиси миграцион жараёнларнинг иштирокчисига айланмоқда.

Дунёнинг турли халқаро (IOM-International Organization for Migration, IBA-Global Immigration Benchmarking Association) ва миллий-худудий (ЦММ-Центр миграционных исследований Россия, INED-Institut d'etudes demographiques Франция) илмий-тадқиқот марказларида аҳоли миграцияси муаммоларини ҳал этишга қаратилган, халқаро ва ички миграцион жараёнларни қамраб олган илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Диний ва миллатлараро низолар, иқтисодий тақчиллик каби муаммолар натижасида вужудга келган миграциялар, кўриқ ерларни ўзлаштиришда ўз хоҳиши билан кўчиб борган аҳоли ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини очиқ беришга хизмат қилувчи илмий тадқиқотлар муайян ижтимоий воқелик доирасида таҳлил қилинмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларида совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида амалга оширган кўчириш сиёсати тарихига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. “Мирзачўл, Қарши, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, миллионлаб гектар кўриқ ерларда боғ-роғлар ва озиқ-овқат экинларининг жой олиши узокни ўйлаб амалга оширилган эди. Бу майдонлар бугун ҳам халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда”<sup>1</sup>. Шу сабабли совет ҳукумати томонидан ўтказилган кўриқ ерларни ўзлаштириш сиёсати, янги ерларга аҳолини кўчириш учун ўтказилган тарғибот ишлари, меҳнат миграциясининг маиший ҳаётга таъсири, пахта монополиясини янада кучайтиришдаги ўрни, мажбурий равишда кўчирилган аҳолининг иқтисодий, ижтимоий-психологик аҳволини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 21 сентябрда қабул қилинган “2019-2023 йилларда Бухоро вилоятини комплекс

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда сўзлаган нутқидан. / Халқ сўзи. 7 ноябрь 2017 йил.

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзуга оид эълон қилинган тадқиқотларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) совет даврида яратилган асар ва мақолалар; 2) мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар; 3) хорижда чоп этилган ишлар.

Биринчи гуруҳни совет ҳокимияти йилларида яратилган асарлар ташкил этиб, уларда 1950-1970 йилларда Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш<sup>2</sup>, янги хўжаликларда эришилган ютуқлар ва улардан истиқболда кутилаётган натижалар<sup>3</sup>, аҳолини янги ерларга кўчириш учун амалга оширилган тарғибот-ташвиқот характеридаги масалалар<sup>4</sup>, аҳоли миграцияси<sup>5</sup>, кўчириш сиёсати<sup>6</sup>, кўчириш жараёнидаги муаммолар<sup>7</sup>, чўлқуварларнинг маданий-маиший турмуши ва фаолияти кабилар ҳақида маълумот бериб ўтилади. Ушбу ишлар коммунистик мафкура таъсирида яратилган бўлса-да, уларда катта ҳажмдаги далил ҳамда рақамлар келтирилган.

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар кириб, уларда совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги аграр сиёсати, кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда ирригация-мелиорация тизимлари ривожини объектив ва холисона асосда, асл манбалар орқали ўрганилган. Ушбу изланишларда совет ҳокимияти аграр сиёсатининг асл моҳияти очиқ берилган. Бу борада тарихчи олимлар О. Комилов, А. Аширбоева, С. Турсунов<sup>8</sup> тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш мумкин. 1950-1970 йиллари

<sup>2</sup>Абдунабиев А. Г. Освоения Голодной степи и молодежь (Краткий исторический очерк). –Ташкент: Госиздат УзССР, 1958. –71 с.; Гафуров В.Г. Вопросы орошения целинных земель Голодной степи. – Ташкент: Узбекистан, 1968 – 167 с.; Эгамбердиев В. Ўзбекистонда кўрик ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорация тарихи. –Тошкент: Фан, 1984. – 282 б.

<sup>3</sup>Усманов В. К. Социально-экономические последствия комплексного освоения целинных земель. –Ташкент: Узбекистан, 1975.; К. Курбонов. Территориальная организация сельского хозяйства. (На примере Голодной степи и Джизакской степей Узбекской ССР) –Ташкент: Фан, 1988 – 88 с.

<sup>4</sup>Камионский А. Переселяйтесь на целинные земли. –Кишинёв, 1956. – 94 с.; Фролков И., Кулик В. Переселение и организованный набор рабочих к 40-й годовщине Октября. – Москва, 1956. - 69 с.

<sup>5</sup>Бобоев В. Аҳоли миграцияси ва миллий маданиятлар равнақи. –Тошкент: Ўзбекистон, 1986. - 25 б.; Муллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. –Тошкент: Ўзбекистон КПМК бирлашган нашри, 1967. – 69 б.

<sup>6</sup>Вербицкая О.М. Плановая сельскохозяйственной переселения в РСФСР 1948-1956 // Вопросы истории. – Москва, 1986. -№12. –С.13.;

<sup>7</sup>Степанов В. Комплекс ўзлаштириш проблемалари// Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 1985. - №10.–Б.56-58.; Йўлдошев М. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишчи кучидан рационал фойдаланиш. –Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – 31 б.;

<sup>8</sup>Аширбоева А. XIX асрнинг охири – XX аср ўрталарида Мирзақўлнинг ўзлаштирилиши. Тарих фан.ном. ...дисс.–Тошкент, 2008. – 158 б.; Комилов О.К. Ўзбекистонда ирригация тизимлари ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1991 йй): Тарих фан.докт. .... дисс. -Андижон, 2017. – 324 б.; Турсунов С. Н. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги уринишлар. (1945-1965 йй) Ниятлар ва натижалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 194 б.

Ўзбекистондаги аҳоли миграцияси масалалари Ҳ. Холмўминов, Б. Ботирова, Х. Хушвақтовлар томонидан айрим ҳудудлар мисолида тадқиқ этилган. Шу ўринда совет давридаги аграр ўзгаришларни республика ҳудудларида татбиқ этилишига бағишланган, жумладан, Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги тизими ривожига қаратилган тадқиқотларда<sup>9</sup> янги ерларни ўзлаштириш ва аҳолини кўчириш масалаларининг айрим жиҳатлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Учинчи гуруҳга хорижда яратилган тадқиқотлар кириб, уларда 1950-1970-йилларда Совет Иттифоқидаги ижтимоий ҳаёт ва аҳоли миграциясига оид маълумотлар бериб ўтилган<sup>10</sup>. Муаммо тарихшунослигининг таҳлилига кўра хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон тарихи фанида ҳанузгача Ўзбекистонда 1950-1970 йиллари янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш сиёсати яхлит тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзунинг диссертация сифатида тадқиқ қилишни тақозо этади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда миграцион жараёнлар ва муҳожирлик тарихи” (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** совет ҳокимиятининг янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш сиёсати тарихий тажрибасини Бухоро области мисолида манбалар асосида очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

1950–1970-йилларда янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш заруриятини юзага келтирган омилларни кўрсатиб бериш;

қишлоқ хўжалиги миграциясининг шакллари ва тарихий босқичларини очиб бериш;

область ва районларда кўриқ ҳамда янги ерларни ўзлаштиришнинг режалари, уларни амалиётга татбиқ қилиш масалалари ҳамда областда ўзлаштирилган янги ерларга аҳолини кўчириш тадбирлари моҳиятини очиб бериш;

хўжаликларни янги ерларга кўчириш жараёнидаги муаммолар, кўчирилганларнинг янги шароитга ижтимоий-психологик мослашуви, ўзлаштирилган ҳудудлар аҳолисини республика иқтисодиётидаги салмоғи ва ўрнини кўрсатиш;

кўчирилган аҳолининг янги жойлардаги маиший турмуши, маданий-маърифий муассасалар фаолиятини очиб бериш;

тадқиқот натижалари асосида якуний хулосалар чиқариш ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

<sup>9</sup>Бақоев Муҳаммад Ҳожи. Гиждувоннома (Гиждувон тарихидан лавҳалар). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 397 б.; Юсупов Ё. Қийин йўллардан истиқбол сари. –Олот, 1993. – 66 б.

<sup>10</sup>Peoples of the Earth. Volume 03. Europe (including U.S.S.R. west of the Urals). Supervisory Editor of the series. Professor Sir Edward Evans-Pritchard – The Danbury Press, 1973. – 144 p.; Polian Pavel Agaits Their Will: The History and Geography of Forced Migrations in the USSR Central European University Press, 2003. – 444 p.

**Тадқиқотнинг объектини** 1950-1970 йилларда совет ҳукуматининг янги ерларга аҳолини кўчириш сиёсати ва унинг Бухоро областида жорий қилиниши этиб белгиланди.

**Тадқиқотнинг предметини** Бухоро областида амалга оширилган кўчириш сиёсати, мигрантларнинг ижтимоий-психологик ҳолати, янги жойларда мослашуви ҳамда маданий-маиший турмуши масалаларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини очиб беришда тарихий-хронологик, контент ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

1950-1970 йилларда Бухоро областидаги кўчириш сиёсатининг асосий мақсади ишчи кучини халқ хўжалиги тармоқларига тенг тақсимлаш ҳамда ўзлаштирилган янги ерларни меҳнат ресурслари билан таъминлаш бўлганлиги асосланган;

кўчирилган аҳолининг менталитети, хўжалик-маданий хусусиятлари етарлича ҳисобга олинмаганлиги областда кўчириш сиёсатининг муваффақиятсизликка учрашининг асосий омили бўлганлиги аниқланган;

иттифоқ ва республика бюджетидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг катта қисми янги ерларни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги областнинг бошқа қишлоқ ҳудудлари ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлиги далилланган;

XX асрнинг 60-йиллари область раҳбарияти янги ўзлаштирилган ерларда чорвачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил этиб, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда бандлигини таъминлашга уринганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги ерларни ўзлаштириш жараёни, қўриқ хўжаликлари учун талаб этилган ишчи кучини кўчириш зарурияти, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва кўчириш сиёсати муаммоларига доир илмий хулосалардан советлар даври тарихини ёритишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлар Бухоро области мисолида аниқланган;

қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш стратегиясида (2020-2030 йй.) белгиланган вазифалар асосида вилоят қўриқ ҳамда массивларида агрокластер ва кооперациялар ташкил этилиши, янги хўжаликлар учун зарур, етарли малака, тажрибага эга ишчи кучини жалб этишда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда тарих фанида тан олинган замонавий ёндошув ва усулларнинг қўлланилганлиги, кўп турдаги архив ҳужжатлари, тарихий адабиётлардан, даврий матбуот ва дала суҳбати материалларидан фойдаланилганлиги, келтирилган материаллар бирламчи манбаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда, хусусан, Бухоро областида янги ўзлаштирилган ерларга аҳоли миграцияси,



кўчириш сиёсати натижалари ва кўриқ хўжаликлари маҳсулдорлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганиш Ўзбекистон тарихининг сиёсий ҳамда агро-иқтисодий жиҳатларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳнат миграциясини тартибга солишга мўлжаллаган давлат дастурлари ишлаб чиқишда, олий ўқув юртли ва таълимнинг бошқа босқичларида Ўзбекистоннинг совет мустабид тузуми даври тарихидан дарслик, ўқув-қўлланма ва монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда 1950-1970 йиллари янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш сиёсати (Бухоро области мисолида) муаммосини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар, хулоса ва таклифлар асосида:

1950-1970 йилларда Бухоро областидаги кўчириш сиёсатининг асосий мақсади ишчи кучини халқ хўжалиги тармоқларига тенг тақсимлаш ҳамда ўзлаштирилган янги ерларни меҳнат ресурслари билан таъминлаш бўлганлиги билан боғлиқ илмий хулосалардан Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти (МИЦАИ) да бажарилган «Made in USSR» («СССРда яратилган») “Миллатлараро оилаларнинг пайдо бўлиш тарихи” (МИЦАИ Илмий советининг 2020 йил 16 декабрдаги 7-сон баённомаси билан рўйхатга олинган) номли халқаро лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг 2021 йил 26 февралдаги 56-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши совет ҳукумати томонидан амалга оширилган кўчириш жараёнларини таҳлил қилишга хизмат қилган;

кўчирилган аҳолининг менталитети, хўжалик-маданий хусусиятлари етарлича ҳисобга олинмаганлиги областда кўчириш сиёсатининг муваффақиятсизликка учрашидаги асосий омил бўлганлиги тўғрисидаги назарий маълумотлардан Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти (МИЦАИ)да бажарилган «Made in USSR» («СССРда яратилган») “Миллатлараро оилаларнинг пайдо бўлиш тарихи” (МИЦАИ Илмий советининг 2020 йил 16 декабрдаги 7-сонли баённомаси билан рўйхатга олинган) номли халқаро лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг 2021 йил 26 февралдаги 56-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши мигрантларни ижтимоий ва оилавий муносабатларида содир бўлган ўзгаришларни таҳлил қилиш имконини берган;

иттифоқ ва республика бюджетидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг катта қисми янги ерларни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги областнинг бошқа қишлоқ ҳудудлари ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлиги тўғрисидаги далиллардан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг “Бухоро – шарқ гавҳари, “Мозий бисотидан”, “Ассалом, Бухоро” кўрсатувларини олиб боришда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 февралдаги 1/52-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар томошабинларни

область қишлоқ хўжалиги имкониятларидан фойдаланиш тарихи тажрибасидан хабардор бўлишга хизмат қилган;

XX асрнинг 60-йиллари область раҳбарияти янги ўзлаштирилган ерларда чорвачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил этиб, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган уринишлар билан боғлиқ мулоҳазалардан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг “Бухоро – шарқ гавҳари, “Мозий бисотидан”, “Ассалом, Бухоро” кўрсатувларини ташкил этишда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 февралдаги 1/52-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар телетомошабинларда совет ҳукумати амалга оширган агроиктисодий сиёсатининг оқибатларини очиб беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро конференция ҳамда 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган. Булар қуйидагилар: Паёми донишкада. махзани илм. (Тожикистон, 2019); Actual trends of modern scientific research. Abstracts III international conference, Munich. (Германия, 2020); Бухоронинг ислом цивилизациясида тутган ўрни ва унга қўшган ҳиссаси мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. (Ўзбекистон, 2020.)

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациясининг натижаларини чоп этиш учун тавсия этган нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 161 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштиришнинг асосий босқичлари ва кўчириш сиёсати” деб номланган биринчи бобида 1950-1970-йиллар Ўзбекистонда янги ерлар ўзлаштирилиши, шунингдек, кўриқда ташкил этилган янги хўжаликлар учун ишчи кучини кўчириш сиёсати ҳамда қишлоқ хўжалиги миграциясининг тур, шакл ва кўринишлари тарихий изчилликда ўрганилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда республикада янги ерларни ўзлаштириш жараёнини шартли равишда икки босқичга ажратиш мумкин: 1)1950 - 1953 йиллар, 2)1954 - 1970-йилларнинг охирлари. ВКП(б) (1952 йилдан КПСС МК) ва СССР Министрлар Совети қарорларида Ўзбекистонда янги ўзлаштириладиган ерлар ҳажми мунтазам белгилаб борилган. Жумладан, 1950 йил –165,7 минг га<sup>11</sup>, 1954 - 1958 йиллар – 600 минг га<sup>12</sup>, 1956 йил – 200 минг га<sup>13</sup>, 1958 йил – 380 минг га<sup>14</sup> янги ер ўзлаштиришга қарор қилинди.

1950 йилдан бошланган биринчи босқич 1920 - 1930 йилларда амалга оширилган янги ерларни ўзлаштириш жараёнининг мантиқий давоми эди. Бу босқичда кўриқ ерларни ўзлаштириш асосан, қишлоқ ва сув хўжаликлари зиммасига юклатилиб, режалаштирилган вазифаларни аксарият ҳолларда амалга ошириш имкони бўлмасди. 1953 йилнинг 5 мартида И.В.Сталин вафот этиши билан республикада янги ерларни ўзлаштиришнинг биринчи босқичи ўз поёнига етди. Бироқ янги ерларни ўзлаштириш жараёнида кўплаб муаммолар юзага келиб, республика ҳукумати мазкур муаммолар гирдобида қолди. Жумладан, 1954 йил 17 - 20 ноябрь кунлари Тошкентда “Пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари” га бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда қатнашган Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари А.И.Ниёзов: “Яқин йилларда Марказий Фарғона, Жиззах, Сурхондарё областлари ва Аму ҳавзасида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидан экин майдонлари янада кенгаяди. Аммо қишлоқ хўжалиги соҳасини механизациялаш талаб даражасида эмас, натижада бир гектар ерга ишлов бериш учун 200 нафар пахтакорни жалб этишга тўғри келаяпти<sup>15</sup>”, – деб танқидий фикр билдирганди.

Кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобидан, аҳоли истеъмоли маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилаш, ривожланган капиталистик давлатлар даражасига етиш, демографик муаммоларни ҳал этиш, пахтачиликни ривожлантириш каби ўта муҳим сиёсий ҳамда стратегик дастурларни бажариш мақсадлари кўзланди. 1957 йилнинг феврида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикадаги янги ерларни ўзлаштириш масаласини муҳокама қилди. Муҳокамалар якунида яқин орада амалга оширилиши режалаштирилаётган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президуми йиғилишида “Кўчириш Бош Бошқармаси”нинг янги ерларга аҳолини кўчириш жараёни тўғрисидаги ҳисоботларини тинглашга қарор қилинди<sup>16</sup>.

1953 йилда Н.С.Хрушчёв шундай деган эди: “Кўриқ ерларни ўзлаштириб, муомалага киритиш улардан фойдаланиш катта фойда келтиради. Лекин ерни ҳайдаб экиш қийин эмас, бу ерда аҳоли сонини кўпайтириш керак. Шундагина кўриқ ерларни ўзлаштириш мумкин

<sup>11</sup>Бухоро туман давлат архиви 5-фонд,1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 110-варақ.

<sup>12</sup>Қизил Ўзбекистон, 1954 йил 12 февраль.

<sup>13</sup>КПСС и советское правительства об Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1972. – С. 512.

<sup>14</sup>Правда Востока, 1958 год 11 июл.

<sup>15</sup>Совещания по вопросам дальнейшего развития хлопководства//Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. –Ташкент, 1954. -№7. –С. 18.

<sup>16</sup> Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 1020-йиғма жилд, 124-варақ.

бўлади<sup>17</sup>”. Юқоридаги фикр аҳолини янги ерларга оммавий жалб этиш ҳамда кўчиришга даъват этарди. СССР сафарбарлик ва оммавий кўчириш борасида бой тажрибага эга бўлиб, янги ерларда меҳнат ресурсларини шакллантиришга қаратилган ягона тизимини ишлаб чиқди. Бу тизимни беш йўналишда амалга оширилиши режалаштирилди: 1)деҳқон хўжалиklarини режа асосида янги ерларга кўчириш; 2)жамоатчилик чақириғи билан кўчиб ўтишнинг ихтиёрийлик принципига ўтиш; 3)халқ хўжалиги тармоғида фаолият юритаётган корхона-ташкilot ва муассасалар ўз жамоаси таркибидан малакали, катта тажрибага эга вакилларини махсус йўлланма асосида кўчириб ишга юбориш; 4) республика шаҳарларида истиқомат қилаётган аҳолининг ишсиз қатлами ҳисобидан танлов асосида янги ерларга кўчиришни ташкил этиш; 5) уюлмаган ҳолда якка-якка кўчишни ташкил этиш.

Кўчириш тадбирлари республика областларида аҳоли зичлиги ва янги ер учун талаб этиладиган ишчилар сони (хайдаладиган ер ёки бир кишига тўғри келадиган пахта майдони)ни аниқлашдан бошланди. Жумладан, 1959–1973 йиллар республика бўйича қишлоқ аҳолиси 49,7 фоиз кўпайган. Шу йиллар давомида Тошкент области (шаҳри билан бирга)аҳолисининг зичлиги 3 баробар, Фарғона, Андижон областларида 1,8 баробар, Қорақалпоғистонда 1,6 баробарга ошган. Самарқанд области аҳоли сони бўйича республикада биринчи ўринда турган<sup>18</sup>. Демак, республикани Андижон, Фарғона, Самарқанд областларидан деҳқон хўжалиklarини режа асосида янги ерларга кўчириш мақсадга мувофиқ кўрилган.

1970-йиллар охирига қадар давом этган кўчириш сиёсати аҳоли миграцияси турлари, шакл ва кўринишларида намоён бўлди. Жумладан, аҳоли миграциясининг ташқи, ички ва областлараро турлари ҳамда режали, ташкилий, ихтиёрий<sup>19</sup>каби шаклларини бу ўринда қайд этиш мумкин. Изчиллик билан олиб борилган кўчириш сиёсати давомида республика аҳолисининг миграцион мобиллик коэффициенти ошиб, доимий, мавсумий ва вақтинча<sup>20</sup> каби кўринишларни ҳосил қилган.1970-йилларнинг охирига келиб, миграциянинг асосий уч категорияси шаклланди, яъни улар тур, кўриниш ва шакл тарзида намоён бўлди.

Аҳоли миграцияси тури–ташқи ва ички; Аҳоли миграцияси кўринишлари–доимий, мавсумий, маятниксимон (кундалик); Аҳоли миграцияси шакллари–ташкилий, ихтиёрий, режали, режали марказлашган<sup>21</sup>.

Янгидан ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчириш меҳнат миграциясининг тури сифатида намоён бўлди. Ўзбекистонда аҳолини янги ерларга кўчириш 1)1950–1953 йиллар; 2)1954–1970 йиллар охирини ўз ичига олади. 1950–1953 йилларда аҳоли азалий йиғилган тажрибага таянилган

<sup>17</sup> Хушвақтов Х.О. Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳолини кўчириб келтирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли. Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. –Тошкент, 2019. –Б. 14.

<sup>18</sup> Муллажонов Р. Ўзбекистон аҳолиси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. –Б.28.

<sup>19</sup>Эгамбердиев А.Воспроизводство трудовых ресурсов сельской местности Узбекистана и основные пути улучшения их использования. –Ташкент: Фан, 1972. –С. 199-201.

<sup>20</sup>Покшишевский В.В. Население и география. –Москва: Мысль, 1978. –С. 159-163.

<sup>21</sup>Пискунов С. А. Государственная политика сельскохозяйственного переселения и ее реализация на территории РСФСР (2-я половина 1940 – 1980-е гг.) Дисс. докт....истор. наук. – Тамбов, 2017. –С. 24.

ҳолда кўчирилди, яъни мигрантлар таркибини асосан деҳқон хўжаликлари ташкил этганди. Кўчириш ишларини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатларда аҳоли асосан районлараро кўчирилиб, ихтиёрийлик тамойилига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши белгилаб кўйилди<sup>22</sup>. Қолаверса, кўчириш ишлари билан шуғулланувчи махсус давлат органлари ташкил этилиб, жараёни тартибга солиш учун уринишлар бўлди. 1954-1970 йиллар кўчириш сиёсатининг энг юқори чўққиси сифатида эътироф этилди ва бу давр кўчиришнинг “инновацион” даври ҳисобланиб, мигрантлар ижтимоий базаси шаҳар аҳолиси ҳисобига “бойитилди”<sup>23</sup>.

1954 йилги қарор билан аҳолини кўчиришнинг беш йиллик (1954-1958 йй) режаси тасдиқланиб, жами: 40 минг деҳқон хўжаликларини кўчириш белгиланди. Шулардан 1954 йил –6000 та, 1955 йил – 7000 та, 1956 йил – 8000 та, 1957 йил – 9000 та, 1958 йил – 10000 та хўжалик кўчирилиши назарда тутилган<sup>24</sup>. 1956 йилда Республика ҳукумати аҳолини янги ерларга кўчиришнинг навбатдаги беш йиллик (1956-1960 йй) истиқболли режасини тасдиқлади. Унга кўра беш йил давомида жами: 49500 та хўжалик кўчирилиши шундан, 40000 та хўжалик колхозларга, 9500 та хўжалик совхозларга кўчирилиши режалаштирилди<sup>25</sup>.

Кўчириш тадбирлари қайд этилган расмий ҳужжатларда областлараро аҳолини кўчириш жараёни ўта мураккаб кечганидан далолат беради. Айниқса, Мирзачўл ҳамда Марказий Фарғона чўлида янги ерларни ўзлаштириш учун областлараро аҳолини кўчириш жараёнида бир қатор тўсиқларга дуч келинган бўлсада, лекин районлараро кўчириш натижалари ижобий бўлган эди.

1962 йилда аҳолини кўчириш режасида ўзгариш киритилди. Яъни хўжаликларни танлаш ва расмийлаштириш ишларини ушбу йилнинг 25 февралига қадар, кўчириш тадбирларни эса 10 апрелгача якунлаш назарда тутилди. Аввалги йиллар бу тадбирлар йилнинг 10 март ва 10 майга қадар амалга оширилди. Қашқадарё области тоғлик районларидан аҳолини йилнинг июль ойигача кўчириш кўрсатилди<sup>26</sup>. Кўчирилиши лозим бўлган хўжаликлар область ижроия кўмиталари ўртасида ва областлараро келишувларда ўзаро ҳал этилган. 1965 йилдан бошлаб аҳолини янги ерларга кўчириш халқ хўжалиги режасига киритилиб, тасдиқлаб олинган. Аҳолини кўчириш кўзда тутилган ҳудудлар район партия комитети, район меҳнаткашлар депутатлари ижроия кўмиталарига бўйсундирилган ва кўчириш режа бўлимида ишлаб чиқилган.

1960–1969 йилларда республикада аҳоли миграциясининг 60,8 фоизи районлараро миграция ҳиссасига тўғри келди, 39,2 фоиз эса областлараро миграцияни ташкил этарди. 1960-йилларнинг иккинчи ярми ва 1970-йилларда СССРда область ва республикалараро миграция устунлик қилган. Бироқ Ўзбекистонда районлараро миграция ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

<sup>22</sup>Бухоро туман давлат архиви 5-фонд,1- рўйхат, 27-йиғма жилд, 32-варақ.

<sup>23</sup>Миграционная политика СССР в послевоенные годы-Stud.org.<https://Studme.org/100055/.../migratsionnaya-politika-SSSR-poslevoennye-gody> (мурожаат қилинди 2019 йил 17 май)

<sup>24</sup>Қизил Ўзбекистон, 1954 йил 12 февраль.

<sup>25</sup>Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-2347-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд, 4-варақ.

<sup>26</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 1313-йиғма жилд, 2-варақ.

Яъни умумий миграцион жараёнларнинг 32–33фоизи районлараро, 2–3 фоизи эса областлараро миграция ҳиссасига тўғри келади<sup>27</sup>.

Режали кўчириш ўзини оқламагани кўриқ ерларга ўз ихтиёри билан кўчиб келган кишилар сонига нисбатан режа асосида кўчирилган хўжаликлар ҳиссаси паст бўлганлигидан аён эди. Масалан, 1971 йилда янги ерга кўчирилганларнинг 39 фоизи режа асосида кўчирилганди. Бу кўрсаткич 1972 йилда - 37 фоиз, 1973 йилда - 35 фоиз, 1974 йилда - 34 фоиз, 1975 йилда - 33 фоиз, 1976 йилда - 31 фоиз, 1977, 1978 ва 1979 йилларда - 29 фоиздан юқори бўлмади<sup>28</sup>. Хуллас, 1950-1970 йиллар Ўзбекистонда аҳолини кўчириш жараёни билан боғлиқ тур, шакл ва кўринишлари хилма-хиллигини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бухоро областида янги ерларни ўзлаштириш жараёни ва кўчириш сиёсати”** деб номланиб, ушбу бобда Бухоро областида янги ва кўриқ ерларни ўзлаштириш жараёни, ўзлаштирилган янги ерларга аҳолини кўчириш тадбирлари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда область кўчириш бўлими фаолияти, кўчириш сиёсати муаммолари ҳақида маълумот берилади.

Бухоро области ҳудудида янги ерларни ўзлаштириш уч босқичда: 1)1950–1953 йиллар; 2)1954–1964 йиллар; 3)1965–1970 йиллар охирларига қадар амалга оширилган. Биринчи босқичда янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ кўрсатма ва буйруқлар марказдан келиб турди. Аксарият ҳолларда режалаштирилган вазифалар асосан қоғозда қолиб, амалга татбиқ қилинмади. Иккинчи босқич республикада кўриқ ерларни ўзлаштириш кенг тус олган давр ҳисобланади. Бухорода эса кўриқ ерларни ўзлаштириш республикадан фарқли ўлароқ нисбатан мўътадил кечган. Учинчи босқичда республикада янги ва кўриқ ерларни ўзлаштириш кампаниясининг якунланиб бораётгани кўзга ташланса, аксинча областда бу жараён шиддатли тус олди.

1950 йил Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 96-сонли қарори қабул қилиниб, қарорда Бухоро областида жорий йил ҳисобидан 15,6 минг га янги ер ўзлаштириш кўрсатилди<sup>29</sup>.

1954 йилда кўриқ ерларни ўзлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Бухоро области сув манбаларига яқин Кармана район Маликчўли массивида “Янгиобод” колхози ташкил этилиб, унга 1982 га яйлов ҳудуди ажратилди ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. 1958 йил Бухоро область ижроия кўмитасининг 135-сонли қарори қабул қилиниб, унда 4000 га ер ўзлаштириш мўлжалланди<sup>30</sup>. 1960 йилда янги ва кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисоботларида Ромитан совхозида 150 га, Когон совхозида 200 га Гигант совхозида 150 га, Нарпай совхозида 30 га янги ер ўзлаштирилгани қайд этилган<sup>31</sup>. 1962 йилни 1 ноябрдан 1963 йил 1 ноябргача бўлган ҳисобот йили даврида колхоз ва совхозлар амалда 2335 га янги ер ўзлаштирган,

<sup>27</sup>Эгамбердиев А. Воспроизводство трудовых ресурсов сельской местности Узбекистана и основные пути улучшения их использования. –Ташкент: Фан, 1972. –С. 199.

<sup>28</sup>Ўлдошев М. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишчи кучидан рационал фойдаланиш. –Тошкент: Ўзбекистон, 1982. –Б. 29.

<sup>29</sup>Бухоро туман давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 110-варақ

<sup>30</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 225-йиғма жилд, 98-варақ.

<sup>31</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 284-йиғма жилд, 64-варақ.

шундан, 1246 га ерлар қайта яйловларга айланди<sup>32</sup>. Аму-Қорақўл канали (1963 йил) ишга туширилиши муносабати билан Хўжадавлат, Эшакчи, Шўркўл ва бошқа массивларда 15 минг га янги ер ўзлаштириш кўзда тутилди<sup>33</sup>. Бухоро областида 1965 йилгача янги ер ўзлаштириш борасидаги режалар тўла бажарилмади.

1965 йилдан эса кўриқ ерларни ўзлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Бунга Аму-Қорақўл канали, Аму-Бухоро машина канали биринчи навбати (1965 йил) ишга туширилиши сабаб бўлди. 1965–1970-йилларда Марказий органлар қарорларида Бухоро областида янги ерлар ўзлаштириш ҳажми белгилаб берилди. Лекин қарорларда кўрсатилган янги ерларни ўзлаштириш ҳажмида фарқларни кузатиш мумкин. Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1964 йил 21 сентябрь 718-сонли қарорида областда беш йилда 39 минг га янги ер ўзлаштириш кўрсатилган бўлса, область суғориш тизимлари бошқармасининг республика Қишлоқ ва сув қурилиши вазирлигига йўллаган ҳисоботларида беш йилда 35 минг га ер ўзлаштирилиши таъкидланади.

1966–1969 йиллар областда 8400 га янги ер ўзлаштириш кўзда тутилган. Шундан 1966 йилда 1423 га, 1968 йилда 3456 га, 1969 йилда 3521 га ер ўзлаштириш режалаштирилади. Амалда Когон районида 269 га, Конимехда 24 га, Навоийда 85 га, Ромитанда 50 га, жами: 1966 йилда 428 га ер ўзлаштирилди<sup>34</sup>.

1970 йили Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ.Муртазоев: “Аму-Бухоро машина канали қурилиши (иккинчи навбатини) ни яқунлаш, Шўркўл ва Тўдакўл сув омборлари, Парсонкўл-Амударё, Тўдакўл–Амударё қурилиши ишларини жадаллаштириш, умумий узунлиги 900 км бўлган хўжаликлараро бетон каналларни қуриш келгусида режалаштирилаётган 48 минг га янги ерларни ўзлаштиришда айни муддао бўлади”, –деб таъкидлади<sup>35</sup>. 1959–1975 йиллар давомида Бухоро областида 20 минг га дан ортиқ ер ўзлаштирилиб, пахта майдонлари 172,2 минг га, шундан 156 минг га эски ҳайдалган ерлар ва 16,2 минг га янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига тўғри келган<sup>36</sup>.

1950 йилда республика ҳукуматининг бевосита кўрсатмасига биноан деярли барча районларда янги ерларга деҳқон хўжаликларини кўчириш режа асосида бошланди. Жумладан, Бухоро областида 1000 та хўжаликни районлар кесимида кўчириш режаси тасдиқланди<sup>37</sup>. Областнинг Ёждувон райони аҳолиси ниҳоятда зич, Когон, Бухоро ва Ромитан районларида эса аксинча, ишчи кучига эҳтиёж юқорилиги аниқланди. Ҳисоб-китобларга таянган ижроқўм ва партия органлари Ёждувон районидан 1000 та хўжаликни Когон, Бухоро ва Ромитан районларига кўчириш чоратадбирларини амалга оширишга киришди. 1951 йилда 400 та<sup>38</sup>, 1952 йилда

<sup>32</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1196-фонд, 1-рўйхат, 372-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>33</sup>Тагиев М. Амударё сувлари Бухоро далаларида. –Тошкент: Фан, 1988. –Б. 17.

<sup>34</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 946-фонд, 1-рўйхат, 1060-йиғма жилд, 33-варақ.

<sup>35</sup>Бухоро вилоят ҳокимлиги архиви 2-фонд, 34-рўйхат, 415-йиғма жилд, 9-варақ.

<sup>36</sup>Ўздаверлойиха Бухоро филиали 25<sup>с</sup> –йиғма жилд, 69-варақ.

<sup>37</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 571-йиғма жилд, 101-варақ.

<sup>38</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 158-йиғма жилд, 283-варақ.

500 та<sup>39</sup>, 1954 йилда 600 та<sup>40</sup>, 1955 йилда 200 та<sup>41</sup>, 1957 йилда 100 та<sup>42</sup> деҳқон хўжаликларининг кўчирилиши режа қилинди.

1954 йилда кўриқ кампанияси таъсирида кучайган кўчириш сиёсати давомида нафақат деҳқон хўжаликлари, балки, жамиятнинг бошқа қатламлари (шаҳарликлар, ишчилар) вакиллари ҳам кўриқ ерларни ўзлаштириш ишларига жалб этиладиган бўлди. 1963 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан қабул қилинган 693-сонли “1964 - 1965 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш режаси тўғрисида”ги қарорда Бухоро область Томди районига 300 та хўжаликни кўчириш режалаштирилди<sup>43</sup>.

Область кишлоқ хўжалигида йиғим-терим ишлари, гидромелиорация иншоотларининг қурилиши ва бошқа шу каби юмушлар туфайли мавсумий миграция кучайди. Аҳолини мавсумий кишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш жараёнида область маъмуриятида бир қадар тажриба тўпланди. 50-йилларнинг охири ва 60-йилларда областда мавсумий миграция мисли кўрилмаган даражада оммавийлик касб эта бошлаганди. Мавсумий кўчирилишлар жараёнида доимий кўчириш даврида юзага келган урф-одат, анъаналар билан боғлиқ бўлган тўсиқларга дуч келинмади. 1960 - 1970-йилларда областда амалга оширилган йирик қурилишлар (Аму-Қорақўл, Аму-Бухоро машина каналининг биринчи ва иккинчи навбатлари) га нафақат область районлари, балки республиканинг деярли барча областлари ҳамда иттифоқдош республикалардан аҳоли жалб этилди. Бу даврда область том маънодаги аҳоли миграцияси марказларидан бири бўлиб қолди.

1960-йиллар охири ва 1970-йилларда область аҳолиси ихтиёрий кўчиб, янги ерларга жойлаша бошлади. Янги совхоз марказлари ва ижтимоий инфраструктурани шакллантириш жараёнида областга Россия, Украина, Белорусия, Арманистон, Озарбойжон, Грузия, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон каби иттифоқдош, Ёқутистон ва Доғистон каби автоном республикалар ҳамда Болгария Халқ Республикасидан меҳнат мигрантлари оқими кучайди. Областда 1970 - йилларда янги ерлар ўзлаштирилиши авж олиб, совет ҳукуматининг кўчириш сиёсати кучайди. 1970–1980-йиларгача область аҳолиси янги ерларга ихтиёрий равишда кўчиб, хўжаликларнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжларини қоплашга муносиб ҳисса қўшди.

Совет ҳукумати аҳолини кўчириш сиёсати давомида моддий-техник, молиявий, уй-жой, ижтимоий муассасалар билан боғлиқ бошқа бир қатор муаммоларга дуч келди. Ўзбекистонда 1950 – 1970 - йилларда кўчириш тадбирларини режалаштириш, мигрантларни кўчириш жараёнига жалб этиш (тарғибот-ташвиқот), уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, кўчирилган хўжаликларни қабул қилиш ва янги ерларда жойлаштириш, мигрантлар учун имтиёзлар бериш (кредит, қорамол ажратиш, шахсий томорқа хўжалигини юритиш учун ер бериш, солиқлардан озод этиш, уй-жой билан таъминлаш ва бошқалар) янги кўчирилганлар учун

<sup>39</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 147-йиғма жилд, 334-варақ.

<sup>40</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат, 159 –йиғма жилд, 114-варақ.

<sup>41</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 944-йиғма жилд, 16-варақ.

<sup>42</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 1076-йиғма жилд, 156-варақ.

<sup>43</sup>Бухоро вилояти давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 1325-йиғма жилд, 96-варақ.



хўжалик ҳаётини ташкил этиш, мигрантларнинг ёппасига ортга қайтиши каби муаммолар вужудга келди. Жумладан, режалар ҳам реал ҳаётга мос келмасди. 1950 йилда Бухоро областида 1100 та хўжаликни кўчириш режалаштирилди. Аммо 1950 йилнинг 28 августида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1539-сонли қарори билан областнинг аҳолини кўчириш режаси 500 хўжаликка қисқартирилди<sup>44</sup>. Зотан, деҳқон хўжаликларини кўчириш режаси 1950 йилнинг 28 январиди қабул қилинган ҳолда, уй-жой қуриш режаси ушбу йилнинг 26 августида қабул қилинганди<sup>45</sup>. Бир муаммо ўз навбатида бошқа қатор муаммоларга сабаб бўлган. Жумладан, режалаштиришда йўл қўйилган хатоликлар туфайли кўчма хўжаликлар вақтинчалик яшаш учун мослаштирилди ва ташландиқ биноларга жойлаштирилди. Натижада амаллаб кўчирилган мигрантлардан уй-жой муаммоси таъсирида 21 та хўжалик ўзлари илгари яшаган жойларига қайтишга қарор қилишганди<sup>46</sup>. Кўчириладиган хўжаликларни танлаш масаласи ҳам ниҳоятда ачинарли аҳволда бўлиб, бу муаммо область кўчириш бўлими назоратчиси, район партия комитети ва область қишлоқ хўжалиги бўлими вакиллари ўзаро келишуви асосида раҳбарлар кабинетиди ҳал этиларди. Уй-жой, ижтимоий инфраструктура ва кўчирилган хўжаликларни ўзлари илгари яшаб турган жойларига ёппасига қайтиши каби муаммолар барча минтақалар учун хос эди. 1950 йилда областнинг Бухоро районида кўчма хўжаликлар учун қурилиши режалаштирилган 300 та хонадондан, 149 та уй-жой фойдаланишга топширилганди ҳолос<sup>47</sup>. 1957 йилда Бухоро область Кармана райони “Нарпай” совхозига 100 та хўжаликни кўчириш режаси тасдиқланган. Бироқ совхоз раҳбарияти томонидан кўчиб келувчи хўжаликлар учун жами: 56 та уй-жой ҳозирлаб қўйилганди. 1 июль ҳолатиди кўчиб келган 60-70 та хўжаликни зарур уй-жой билан таъминлаш имконияти совхозда йўқ эди<sup>48</sup>. Янги дастурларнинг амалиётга татбиқ этилиши эса Бухоро областида аҳоли миграцияси билан боғлиқ муаммоларни қисман ҳал этишга имкон берганди, ҳолос.

**“Кўчирилган аҳолининг янги шароитга мослашуви, меҳнат фаолияти, республика иқтисодиёти, маданий-маиший ҳаётидаги ўрни”** деб номланган учинчи бобда кўчириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-психологик ҳолати, янги ерларда ташкил этилган давлат хўжаликларининг маҳсулдорлиги, жойларда кўчганлар учун яратилган маданий-маиший шарт-шароитлар ва муаммолар яхлит ҳолда тадқиқ қилинди.

Бухоро областида янги ерларга аҳолини кўчириш жараёнида инсоннинг ички руҳий кечинмаларини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: 1. Шахсда кўчишга хоҳиш-истакнинг уйғониши ва ҳал қилувчи қарор қабул қилиш; 2. Янги ерга кўчирилган аҳолининг адаптацияси; 3. Чўлқуварларда янги стереотип, кадрият ва установакаларнинг шаклланиш босқичи.

<sup>44</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 508-йиғма жилд, 278-варақ.

<sup>45</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 508-йиғма жилд, 229-варақ.

<sup>46</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 508-йиғма жилд, 229-варақ.

<sup>47</sup>Бухоро туман давлат архиви 5-фонд, 1-рўйхат, 96-йиғма жилд, 148-варақ.

<sup>48</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 1036-йиғма жилд, 161-варақ.

Шахс эҳтиёжлари ва уни қондириш ўртасидаги қарама-қаршилик миграцияга бўлган истакни юзага келтириши<sup>49</sup> билан бирга халқларнинг ўзига хос стеротиплари ҳам кўчиш хоҳиш-истагини пайдо қилишда муҳим роль ўйнайди. Исломдаги жамоавийлик ақидаларининг маҳаллий аҳолига ёшлиқдан қатъий тартибда сингдириб борилиши, бу истакнинг босқичма-босқич шакллантирилиши ҳар қандай индивидуал хатти-ҳаракатларга жамият томонидан ўта салбий муносабатни юзага келтирган эди. Маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшлар миграция тушунчасини ҳатто хаёлларига ҳам келтира олмасдилар. Ўзи кўрмаган, билмаган ва ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган кимсасиз чўлга кўчишга қарор қилиш учун инсондан катта куч-ирода, мислсиз журъат талаб этилган. Қолаверса, киши ўзидаги ички қарама-қаршиликларни енга олган тақдирдагина кўчишга қарор қилиши мумкин бўларди. Шахснинг кўчиш қарори амалга ошса-да, жамиятнинг унга нисбатан салбий таъсири давом этганлиги социологик тадқиқотларда ва шахсий мулоқотларда яққол намоён бўлди. Иттифоқ ҳукумати янги ерларни ўзлаштиришда ёшлар онгига тез таъсир қилиш мумкинлигини ҳисобга олиб, асосий эътиборни уларга руҳий таъсир ўтказишга қаратди. Ҳукумат томонидан ўтказилаётган босим остида миллий урф-одат ва анъаналарга аста-секинлик билан бўлса-да зарба берилиб, чўлга нафақат ёшлар, балки оилали ва кўп болали хўжаликлар ҳам кўчиб кела бошлади<sup>50</sup>, кўчганларга нисбатан “қалб амри билан келганлар” ибораси қўлланилди.

Кўчириш сиёсатининг галдаги муҳим шартларидан бири чўлқуварларнинг янги ерларга адаптация жараёни билан боғлиқ бўлганди. Янги ерга келганлар адаптация жараёнига янги ижтимоий роль ва позиция, табиий-экологик муҳит, ҳудуднинг ўзига хос ҳайвонот олами, шахс мақоми ва касбий ўзгаришлар, Ўрта Осиё республикалари аҳолисининг ўзига хос анъана ва урф-одатлари, маҳаллий аҳолининг диний эътиқоди, яратилган маданий-маиший шарт-шароит каби омиллар катта таъсир ўтказди. Бухоро кўриқ хўжаликларига жалб этилган аҳоли янги табиий-ижтимоий муҳитда ўзлари эгаллаган касбий кўникмалар, хўжалик-маданий малакалари ўзгаришлари билан боғлиқ тўсиққа учрадилар. Эҳтиёжларнинг назорат қилиб турилиши, аҳолида янги одатлар шаклланишига хизмат қилди.

Дастлаб чўлда ҳосилдорлик паст бўлди. Жумладан, Маликчўли массивида ташкил этилган “Янгиобод” пахтачилик колхозида 1954–1956 йилларда бир гектаридан ўртача 8,5 ц пахта ҳосили олинди<sup>51</sup>. Областда 1950–1958 йиллари янги ерларнинг маҳсулдорлиги таҳлил этилганда пахта ҳосилдорлиги гектарига 20 ц дан ошмагани (аслида 7-8 ц бўлган эди) аниқланган<sup>52</sup>. 1950–1960-йилларда областда ташкил этилган кўриқ хўжаликларидан унумли фойдаланишнинг аниқ механизми йўқ эди. Кўриқ хўжаликлари маҳсулдорлигини ошириш борасида олиб борилган ўрганишлар натижасида янги ерлардан самарали фойдаланиш учун нафақат пахта балки,

<sup>49</sup>Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса: очерки и теории и методов исследования. –Москва: ИСПИ РАН, 2003. –С. 18.

<sup>50</sup>Мирзачўл садоси. Духовный В.А., Абдураимов М.Ф., Нарзикулов М.Н.–Тошкент, 2016. – Б.6.

<sup>51</sup>Кармана туман давлат архиви 2-фонд, 1-рўйхат, 263-йиғма жилд, 14-варақ.

<sup>52</sup>Бухоро вилоят давлат архиви 1196-фонд, 1-рўйхат, 56-йиғма жилд, 52-варақ .

тупроқ таркиби ва хусусиятига қараб чорвачилик, боғдорчилик, узумчиликка ихтисослаштириш лозим топилди.

1960-йилларда область марказидан 200 км узоқликдаги Томди райони чорвачиликка ихтисослаштирилди. Районда 3 та совхоз ва 6 та колхоз ташкил этилиб, жами: қорақўл қўйлари туёғи 70 минг бошни ташкил этди. Қўриқ хўжаликларида етиштирилган экинлар ҳисобига озуқа захиралари 7 миллион 440 минг центнерга ортиб, бу эса 200 минг бошдан зиёд чорванинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжини қондирди<sup>53</sup>. 1974 йил 5 та қорақўлчиликка ихтисослашган совхозлар, жумладан, Шофиркон районида “Ғалаба” Қизилтепа районида “Маликчўли”, Олот, Қорақўл ва Свердлов совхозлари ташкил этилди<sup>54</sup>. Натижада 1976 йили 1974 йилга нисбатан қорақўл тери етиштириш 36 фоизга кўпайтиришга эришилди<sup>55</sup>. 1976 йилда етиштирилаётган гўшт маҳсулотининг 90 фоизи, жуннинг 100 фоизи янги давлат хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди<sup>56</sup>.

1970-йиллари областда 3 та бўрдоқчиликка ихтисослашган: “Комсомолобод”, “XXII партсъезд” ва “СССР 50 йиллиги” каби совхозлар ташкил этилди. 1971 йил сентябрда ташкил топган “Комсомолобод” совхозида дастлабки йилларда 120 тонна гўшт етиштирилди. 1978 йилга келиб ушбу давлат хўжалигида йилига 860 тонна гўшт тайёрланди<sup>57</sup>. Когон район “XXII партсъезд” совхозида 1978 йилнинг биринчи январь ҳолатига 113 тонна гўшт етиштирилди. 1976 йилда давлатга 64 тонна сифатли сут маҳсулоти сотилган бўлса, 1977 йилда тайёрланган сут маҳсулотининг 75 фоизи биринчи навли эди<sup>58</sup>. Мазкур ижобий натижалар жамланганда область кўрсаткичлари яққол намоён бўлди. Областда 1976-1978 йилларда 576 тонна гўшт, 1020 тонна сут, 11,5 млн дона тухум, 5,5 минг тонна жун, 189,6 минг дона қорақўл тери тайёрланди<sup>59</sup>.

